

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 7-ҳадис

7 - وَعَنْ أَيِّ عَمِّرٍ، وَقَيْلَ أَيِّ عَمْرَةَ سُفِيَّانَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ قُلْ
لِي فِي الْإِسْلَامِ قَوْلًا لَا أَسْأَلُ عَنْهُ أَحَدًا غَيْرِكَ. قَالَ: «قُلْ: آمَنْتُ بِاللَّهِ ثُمَّ اسْتَقْرَمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Амр (ёки Абу Амра) Суфён ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг расули, менга Исломдаги бир сўзни айтингки, мен бу ҳақда сиздан бошқа бирор кишидан сўрамайин», десам, у зот: «**Иймон келтирдим, деб айт, сўнгра истиқоматда бўл** (яъни, Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларида мустаҳкам тур)», дедилар».

Ином Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Мусулмон киши Аллоҳга иймон келтириб, иймонда содик бўлиши, Аллоҳнинг буйруқларига сўзсиз амал қилиши, Аллоҳга итоат қилишда азизликни ҳис қилиши, Аллоҳнинг динида мустаҳкам бўлиши, ўзидан-ўзи бўлмайди. У ушбу туйғуга ёмонликка мойил бўлган нафси билан тинмай курашиши орқали эришади. Аллоҳ таоло бу ҳақда: "**Бизнинг (Йўлимиз)да жидду-жаҳд қилган – курашган зотларни албатта Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Аниқки, Аллоҳ чиройли амал қилгувчи зотлар билан биргадир**" (Анкабут сураси, 69-оят).

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мусулмон киши яхшиликларини зиёда қилишга интилади.
2. Олим ва солиҳлардан Аллоҳни таниш, зикр қилиш хусусида насиҳат, йўлланма сўралади.
3. Мусулмон киши оз бўлсада, амалда бардавом бўлишга ошиқади.
4. Аллоҳга иймон келтириб, уни буйруқ ва кўрсатмаларига риоя қилиш-Исломдаги энг буюк ишлардандир.
5. Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларида мустаҳкам туриш, яъни истиқоматда бўлиш-диннинг асосларидир.



NUBUVVAT MARVARIDLARI